

Очкўзлик



11:01 / 28.09.2018 3672

Инсоннинг руҳий рағбати заифлашса, моддий рағбати кучаяди. Бу эса кўпинча таом орқасидан тушишга олиб боради. Албатта, яхши таомга ўч бўлиш кишининг жинсий рағбатини кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида инсонни «Яшашдан мақсад, моддий лаззатдир», дейишга олиб келади. Натижада ундаги руҳий сифатлар, хоҳ эҳсон бўлсин, хоҳ бировга яхшилик қилиш бўлсин ва ҳоказо, яхшилик сифатлари заифлашиб, унинг ўрнини манманлик, бераҳмлик, исрофчилик каби ёмон одатлар эгаллайди. Натижада бундай одам ўз жамиятида ёмон инсонга айланади, ундан ҳеч ким манфаатлана олмайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Куръони каримда мусулмонларни очкўзликка мойил бўлишдан қайтаради:

«Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки У исроф қилувчиларни севмас» (Аъроф сураси, 31-оят).

Шунингдек, очкўзлик кишининг зеҳнини пасайтиради, унинг ақлига руҳий озуқалардан фойдаланишига йўл бермай қолади. Чунки очкўз кишининг фикри-зикри фақат турли овқатларга боғланиб қолади. Натижада у ўз фикрини, иродасини поклай олмайди ва камчиликларини тузата олмайди, инсонликдан чиқиб, ҳайвонликка юз тутади. Инсон дучор бўладиган бундай пасткаш сифатни Аллоҳ таоло «кофирларнинг сифати» дейди:

«Куфр келтирганлар «баҳраланурлар» ва худди чорва ҳайвонлари егандек ерлар ва олов уларга турар жойдир» (Муҳаммад сураси, 12-оят).

Ислоннинг энг муҳим мақсадларидан бири бўлмиш руҳий ҳаётни жорий қилишда еб-ичиш борасида ўртача бўлиш хусусидаги Қуръони карим кўрсатмаси шундан иборат.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф